

БАРҲАЁТ





ИСТИҚЛОЛДАН ЮКСАЛАЁТГАН ВАТАН

Хар бир халқнинг ҳаёт тарзини, қадриятларини, урф-одатларини, бахт-саодати, ғурур ва ифтихорини, нуфузини ўзида намоён қиладиган тантаналари, байрамлари бўлади. Халқимизнинг ана шундай байрамлари орасида энг улуғи, энг қадрлиси, энг азизи, шубҳасиз, Мустақиллик байрами ҳисобланади. Бу байрам ҳаётимизда янгидан пайдо бўлди. Лекин халқимиз бу байрамга етишишни кўп йиллар, асрлар давомида орзу қилиб келди. Уни тантана қилишни қалбда армон қилиб сақлади. Ниҳоят, орзулар, армонлар ушалди. Бу йил ўттизинчи марта мустақиллик санаси ҳисобланмиш улуғ байрамни нишонлаймиз.

Одатда, бундай байрамлар арафасида кўнгилларимизда босиб ўтган йўлларимизга бир назар ташлаш фикри уйғонади. Нима ишлар қилинди, қандай ютуқларга эришилди, келгусида яна қандай ишларни амалга ошириш талаб этилади сингари саволларга жавоб топишга ҳаракат қиламиз. Шундай экан, келинг, юртимиз мустақиллик тарихининг баъзи нуқталарига назар ташлайлик. Албатта, кўҳна тарих учун ўттиз йиллик муддат кўпик қўқулик фурсат билан тенг. Аммо халқимиз юртимиз тиссолида ана шу қисқа фурсат ичида ҳам асрларга тенг улуғ ишларни амалга ошириш мумкин эканлигини намоён қилди. Мустақиллик туфайли Ўзбекистон дунё билан бўлашади. Жаҳон анжуманларида, минбарларида ўзбек номи билан аталган мустақил давлат, миллат ўз ўрнига, ўз сўзига, ўз нуфузига эга бўлди. Ер юзиде тенглар ичра тенг мамлакатга айланди. Агар юртимиз истиқлолга эришмаганида Ватанимиз бундай нуфузга эга бўлармиди?!

Республикамизнинг халқаро миқёсда эришаётган муваффақиятлари асосида, табиийки, юртимизда амалга оширилаётган улугвор ишлар ётади. Эътибор беринг, истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб Ватанимизнинг ҳақиқий тарихини тиклаш борасида катта ишлар қилинди. Қўлаб шаҳарларимизнинг тарихий масканлари, ёдгорликлари асл ҳолида қайта тикланди. Ўнлаб шаҳарларимизнинг 2700, 2500 йиллик тўйлари дунё ҳамжамияти билан ҳамкорликда нишонланди. Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий, Абу Мансур Мотуридий, Исо ат-Термизий, Ҳаким ат-Термизий, Бурҳониддин Марғиноний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Баҳоуддин Нақшбанд каби улуғ алломуларимизнинг юбилей тантаналари ўтказилди. Буларнинг бари юртимизнинг тарихий қадриятларини тиклаш, улуғ аждодларимизни эъзозлаш, улар меросларидан бугунги авлодларни баҳраманд қилиш орқали халқимизнинг миллий ғурурини, ўзлигини англаш туйғуларини юксалтиришдан иборат эканлигини яққол намоён этди. Булар эса, ўз навбатида, юрт мустақиллигини мустақамлашга хизмат қилмоқда.

Ёқуд кейинги йилларда мамлакатимизда “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари доирасида бир неча ўнлаб мегаполисларимиз замонавий ва миллий шаҳарсозлик асосида қайта қурилмоқда, юзлаб қишлоқларимиз ва маҳаллаларимиз бунёдкорликлар туфайли янгидан чирой очиб, кўркам қиёфа касб этмоқда. Айниқса, шаҳарлар бағрида барча қўлайликларга эга шаҳарчалар, даҳалар, микротуманлар — замонавий ибора билан айтганда, янги “Сити”лар барпо этишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Эндиликда Тошкент Сити манадн шаҳарчалар Самарқандда, Бухорода, Навоийда, Жиззахда, Андижонда, Наманганда, Нукусда, Қаршида, Ховосда, Сардобада ва бошқа жойларда бунёд этилмоқда. Энг муҳими, бу шаҳарчалар гўзал ва обод, одамлар яшашлари учун барча қўлайликларга эга бўлиш билан бирга юртимизда шаҳарсозликнинг келгуси қиёфасини ҳам белгилаб бермоқда. Буларнинг ҳаммаси халқимизга истиқлол яратиб берган имкониятлар натижасидир.

Илмий асарларда, халқаро анжуманлардаги маърузаларда “демократия”, “қонун устиворлиги”, “адолат” каби сўзлар, атамалар кўп тилга олинади. Бирор мамлакатнинг фаолиятига баҳо берилмоқчи бўлса, шу атамалар мезон қилиб кўрсатилади. Бунда маълум асос бор. Лекин яна бир ҳақиқат шундан иборатки, ушбу мезонлар бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга “экспорт” қилинмайди. Яъни, бир мамлакатнинг демократия ва адолатпарварлик тамойиллари, қонун мажмуалари бошқа мамлакатлар учун асос бўлолмайди. Бу ўринда ҳар бир мамлакат ўз ҳаёт

тарзи, миллий қадриятлари, урф-одатлари ва бошқа жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда демократик, адолатпарварлик тамойилларини ўрнатади, қонунлар ишлаб чиқаради. Мамлакатимизда ҳам истиқлол йилларида икки палатадан — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатидан иборат давлат ҳокимияти органи ташкил этилди. Шу асосда республикамиз Конституцияси қабул қилинди, бир неча юзлаб қонун ва қонун-ости ҳужжатлари яратилди.

Бу қонунчилик ҳужжатларида мамлакатимизнинг бугунги ҳаёт йўли, тараққиёт аъмоллари, қадриятлари, халқимизнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, маънавий турмуш тарзи билан боғлиқ барча жабҳалар камраб олинган. Бизнинг демократия йўлимиз, адолат, ҳақиқатни қарор топтириш мезонларимиз аждодларимиз томонидан яратиб берилган “Куч — адолатда” ғояси асосида амалга оширилмоқда. Бошқача айтганда, мамлакатимизда давлатчиликнинг қонунчилигининг, жамиятни бошқариш тизимининг янгича ислохотларнинг, тараққиётнинг “ўзбек модели”га асос солинди. Фақат қонунчилик йўналишида 100 дан ортиқ қарорлар, фармонлар, фармойишлар ишлаб чиқилиб ҳаётга татбиқ қилинди. Бу ютуқлар ҳам, табиийки, истиқлол шарофати туфайли қўлга киритилди. Ахир, бир ўйлаб кўринг, тараққий этган мамлакатлар бир-икки аср мобайнида эришган ютуқларга юртимиз атиги ўттиз йил давомида етишишни мустақиллик берган имкониятларсиз тасаввур қилиб бўладими?

Мамлакатимизнинг 30 йиллик тараққиётида ҳар бир йил ўзига хос ўрин тутди. Негаки, шу йиллар давомида иқтисодиётнинг кимё, тўқимачилик, машинасозлик, автомобилсозлик, геология, электр энергиясини ишлаб чиқариш саноатларини ривожлантиришга, озиқ-овқат, маиший хизмат, транспорт-коммуникация, кичик бизнес, тадбиркорлик, фермерлик соҳаларини юксалтиришга асосий масалалар сифатида эътибор берилди. Агар мустақилликнинг дастлабки даврларида ҳар бир йил “Кескаларни эъзозлаш йили”, “Аёллар йили”, “Соғлом авлод йили”, “Ёшлар йили”, “Соғлом она ва бола йили” каби номлар билан аталган, шу муносабат билан Давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, бу соҳаларда қўлаб ишларнинг амалга ошиши учун катта маблағлар ажратилган бўлса, эндиликда йиллар “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш”, “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш”, “Ёшларни қўлаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш” каби номлар билан аталди ҳамда ушбу йилларда нафақат юртимиздаги аҳолининг маълум қатламлари вакиллари ҳаётини яхшилашга, балки мамлакат ижтимоий тармоқларини ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида аҳамият берилди.

Эътибор беринг, жорий йилнинг “Ёшларни қўлаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили” деб аталиши билан боғлиқ ҳолда ёш авлодга богча, мактаб ва олийгоҳларда сифатли таълим бериш, уларни замонавий билим, тажриба, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида мустақил фикрлайдиган инсонлар сифатида вояга етказиш, ёшларга замонавий касб-хунарларни ўргатиш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, уй-жой билан таъминлаш, уму-

Мустақиллик, истиқлол байрами бу шунчаки кўнгилхушлик, сайр-томоша, ўйин-кулги анжумани эмас. У халқимизнинг озод, обод юртга, ҳур ўлкага, ўз эрки, ҳақ-ҳуқуқлари қўлга киритилган кунга меҳр-муҳаббатни, ғурур ва ифтихорига айланган Ватанга садоқати ифодасидир. Бундай улуғ байрамда Ватан шаъни улуғланади, миллат ғурури юксалади. Озод ва обод Ватан ҳар биримизнинг ва бутун халқимизнинг ғурур ва ифтихоримиздир!

Камол МАТЁҚУБОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист



Партияимизнинг дастурий ғоя ва мақсадлари омма орасида кенг тарғиб қилинган тадбирда «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий кенгаши вакиллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, журналистлар, фаоллар ва кўнгилчилар иштирок этишди. Истироҳат боғи ва унинг атрофидаги майдон кенг жамоатчилик вакиллари, нурунийлар, ёшлар, хотин-қизлар ва маҳалла фаоллари билан гавжум бўлди. Тадбир аввалида янграган қарнай-сурнай садолари барчага кўтаринки кайфият бағишлади. Эл севган санъаткорлар ва эстрада хонандаларининг чиқишлари тадбир иштирокчиларига бирдек манзур бўлди.

Акция давомида партия фаолиятига оид лавҳа-

лар, чиқишлар, партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси ўринбосари Р.Отарбаевнинг партия дастурий ғоялари ва мақсадлари, айниқса, таълим, соғлиқни сақлаш, суд-ҳуқуқ каби соҳаларни янада тараққий эттириш борасидаги тақлиф-ғоялари хусусидаги маърузаси иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Юзма-юз мулоқотлар ва савол-жавоблар юрдошларимизда “Адолат” СДП ғояларига ҳайрхоҳлик тобора кучайиб бораётганлигини кўрсатди.

Шунингдек, байрам тадбирида Амударё туманида июль ойи давомида энг кўп пиеда юрган 72 ёшли отахон, партия фаоли Аҳмадбой ота Мадрахимовга эсдалик совғалари топширилди.

НОМЗОДНИНГ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ



“Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши томонидан “Адолат” СДП номзоди сайловолди дастури лойиҳасининг муҳокамасига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда номзод сайловолди дастурини тузиш бўйича экспертлар гуруҳи, “Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши Марказий аппарати ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси депутатлари, ҳудудий кенгаш раислари, маҳаллий депутатлар, партия фаоллари ва БПТ аъзолари иштирок этди.

Сўзга қайловлар “Адолат” СДП номзоди сайловолди дастури лойиҳаси бўйича фикр-мулоҳаза ва тақлифларни ўртага ташлади.

Сайловолди дастури лойиҳасининг устувор йўналишлари сифатида адолатли фуқаролик жамияти — демократик ривожланиш асоси эканлиги, инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳар нарсадан устуллиги, ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий адолат принципларини амалга ошириш, замонавий, юқори интеллектуал кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни тақомиллаштириш, шунингдек, ташқи сиёсатнинг миллий манфаатларга асосланиши каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Лойиҳадан ўрин олган ҳуқуқий-демократик давлат ва адолатли жамият қуриш борасидаги конституциявий нормаларни ҳаётга тизимли равишда ва кенг

жорий этишни давом эттириш каби масалалар тадбир қатнашчилари томонидан атрофлича муҳокама қилинди.

Номзод сайловолди дастури лойиҳасидаги кучли ва адолатли суд ҳокимияти бўлган жойда қонун ва адолат тамойиллари устувор бўлиши, суд жараёнида ҳолис тортишув ва адолатлиликни, суд иштирокчиларининг тенг ҳуқуқлигини таъминлаш, адвокатлар институтини тақомиллаштириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш каби масалалар муҳокама қилинди.

Дастур лойиҳасида ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган ижтимоий йўналиштириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш каби масалалар давра суҳбати иштирокчилари томонидан илгари сурилди.

Ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлигини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, ёшлар учун

янги иш ўринлари яратиш, ишчи-ҳодимларнинг ижтимоий ҳимоясини, шунингдек, аҳолининг барча ижтимоий қатламлари сифатли тиббий хизматдан фойдаланишини таъминлаш, фуқаролар орасида тиббий маданиятни шакллантириш, хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, уй-жой-коммунал комплекси ишини янада яхшилаш каби ижтимоий масалаларнинг дастурдан жой олиши лозимлиги тадбирда сўзга чиққанлар томонидан алоҳида таъкидланди.

Бундан ташқари, номзоднинг дастуридан жой оладиган устувор йўналишлар, мақсад ва вазифалар социал-демократия ғояси ҳамда “Адолат” социал-демократик партиясининг дастурий мақсадлари ва сиёсий платформасига тўлиқ мос келиши лозимлиги таъкидланди.

Ҳар бир ҳудуддан онлайн мулоқотга киришган вакиллар номзод сайловолди дастури лойиҳасига ўз фикр-мулоҳазалари ҳамда тақлифларини баён этдилар. Тақлифлар экспертлар гуруҳи томонидан қайд этилиб, лойиҳа ишига қабул қилинди.

“Адолат” СДП
Матбуот хизмати



Баҳром АБДУҲАЛИМОВ,
“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси

Бугуннинг гапи

Ижтимоий тармоқларда Фарғона вилоятининг Ўзбекистон тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли туғуруқ комплексида “Эркак киши туғуруқхонадан ҳамширанинг сочидан тортиб судради” сарлавҳаси остида нохуш видеолар тарқалди.

ШИФОКОРЛАРГА ҚЎЛ КЎТАРИШ

ҚАЧОН БАРҲАМ ТОПАДИ?

ушбу зўравонлик ҳаракатини содир этган шахс, яъни 1971 йилда туғилган фуқаро С.С. ўз вақтида ички ишлар органлари тизимида ишлаб, нафақага чиққан.

Тиббий текширув давомида жабрланган шифокор Ю.А.га мия чайқалиши ташхиси қўйилган. Айни пайтда шифокор туман тиббиёт бирлашмасининг шошилинч тиббий ёрдам маркази жаррохлик бўлимида даво муолажаларини олмоқда.

Ҳозирда мазкур ҳолати юзасидан Ўзбекистон туман ИИО ФМБ томонидан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб бориляпти.

Умид қиламизки, шифокорларга нисбатан бундай зўравонлик қилганлар тегишли тартибда ўз жазосини олади. Зеро, тиббиёт ходимига куч ишлатишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Барча ҳолатлар қонун доирасида амалга оширилиши лозим, яъни тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан ҳолатга аниқлик киритилиб, гумондор

қонунга асосланган ҳолда суд томонидан айбдор ёҳуд айбсиз деб топилиши, жазо ҳам тегишли идоралар томонидан амалга оширилиши лозим. Би-

“ҚОВУН ҚОВУНДАН РАНГ ОЛАР” ДЕГАНЛАРИДЕК, ТИББИЁТЧИЛАРГА КУЧ ИШЛАТИШ, ҚЎЛ КЎТАРИШ ВА ДЎППОСЛАШЛАР ТАКРОР-ТАКРОР СОДИР ЭТИЛАЁТГАНИГА ҚАРАМАЙ НЕГА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ТЕГИШЛИ ЧОРА ҚЎРИШ ҲАҚИДА БОШ ҚОТИРМАЯПТИ? ТАЖОВУЗГА ДУЧОР БЎЛГАН, ОҒИР ТАН ЖАРОҲАТИ ОЛГАН ШИФОКОР ВА ҲАМШИРАЛАРДАН ҚАНЧАДАН-ҚАНЧА МИСОЛ ВА ИСБОТЛАР БЎЛДИ ҲАМКИ, ВАЗИРЛИК ЎЗ ХОДИМЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УЧУН БИРОР МЕХАНИЗМ ИШЛАБ ЧИҚҚАНИ ЙЎҚ.

нобарин, биз ҳуқуқий демократик давлатда яшаётимиз.

Албатта, норасида гўдакнинг ўлими ҳар қандай оилада даҳшат билан қарши олинади. Уша ондаги аламзадалиқ, талвасали ҳолат тушунарли, аммо айнан Фарғонадаги мазкур воқеада чақалоқ тиббиётчиларнинг айби билан эмас, носоглом туғилгани учун жон берган. Ўзи масъулият билан қарашли лозим бўлган масалани бошқаларга юклагандан, бўла-

жак она, туғилажак бола саломатлигига аввалбошдан эътиборли бўлинганида, бундай нохуш воқеа содир этилаётганига қарамай нега Соғлиқни

деганларидек, тиббиётчиларга куч ишлатиш, қўл кўтариш ва дўппослашлар такрор-такрор содир этилаётганига қарамай нега Соғлиқни

тирмапти? Тажовузга дучор бўлган, оғир тан жароҳати олган шифокор ва ҳамширалардан қанчадан-қанча мисол ва исботлар бўлди ҳамки, вазирилик ўз ходимларини ҳимоя қилиш учун бирор механизм ишлаб чиққани йўқ.

Яна бир оғрикли нуқта. Дуч келган одам тиббиёт муассасасига кириб, хоҳлаган ишини қилиб кетаверадими? “Шаҳар бедарвоза эмас” нақли “Шармандага шаҳар кенг” тарзида ўзгаришга қачон улгурди? Наҳот, бутун бошли туғуруқхонада кўриқлаш хизмати йўқ? Устига-устак ҳозир пандемия шароити, карантин чекловлари мавжуд замон бўлса?!

“Адолат” СДП – электоратининг асосий қисми тиббиётчиларни ташкил этувчи партия сифатида тиббиёт ходимлари хавфсизлигини ҳимоя қилишни қўллаб-қувватлайди. Жумладан, тиббиёт ходимларининг мақоми тўғрисидаги қонунни қабул қилиш, бунда уларни ҳимоя қилиш кафолатларини аниқ белгилаш, уларнинг ҳимоясини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларига тенглаштириш, шунингдек, уларга тажовуз қилганлик учун жавобгарликни ошириш тарафдоридир. Оқ ҳалатли халоскорларга нисбатан муштумзўрликка қарши қатъий курашилса, фидойи касб вакиллари ўз соҳалари бўйсини тиклаб, хотиржам меҳнат қилишга қодир бўладилар.

Конференция

Қурултойга делегатлар сайланди

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалида “Адолат” социал-демократик партияси **ХОРАЗМ ВИЛОЯТ** кенгашининг V конференцияси бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман кенгаши конференцияларидан сайланган делегатлар билан бир қаторда партия фаоллари, депутатлари, бошланғич партия ташкилотлари раислари, “ёш адолат”чилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Кун тартибидagi биринчи масала юзасидан “Адолат” СДП виллоят кенгаши раиси Тоҳиржон Палвоновнинг ҳисобот маърузаси тингланди. Ташкилланмишча, бугунги кунда партиянинг Хоразм виллоят кенгашида 42 минг 594 нафар аъзо 277 та бошланғич партия ташкилотига бирлашган. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 1 нафар, маҳаллий Кенгашларда 50 нафар депутат фаолият олиб бормоқда.

2021 йил давомида ишчи гуруҳлар томонидан виллоят бўйича 326 та маҳаллада халқ билан юзма-юз мулоқотлар ташкил қилинди. Унда 3467 та хонадон ва 423 та ҳўжалик юртувчи субъектга ташриф буюрилди. Аҳоли томонидан келиб тушган 296 та мурожаатлар юзасидан 225 та депутатлик сўровлари юборилиб, улардан 225 таси ижобий ечим топди. 70 дан ортқ мурожаатлар ҳуқуқий маслаҳатлар бериш орқали ҳал этилди. 24 та масала тегишли сессиялар кун тартибига киритилиб, сессия қарори билан амалиётга йўналтирилди.

Конференцияда жорий йилнинг сентябрь ойида бўлиб ўтадиган партиянинг X Қурултойига 17 нафар делегат сайланди.

Термиз шаҳридаги Матбуот уйида бўлиб ўтган “Адолат” социал-демократик партияси **СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ** кенгашининг IX конференциясида

партия виллоят кенгаши раиси Рустам Ҳамроев маъруза қилди. У ўз маърузасида ўтган сайловлардан кейинги йиллар давомида виллоят кенгаши томонидан ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий соҳаларга оид 300 дан ортқ давра суҳбатлари, семинарлар, учрашувлар ташкил этилганини қайд этиб ўтди.

Ўтказилган тadbирларда “Адолат” СДП Сайловолди дастури, мақсад ва вазифалари ҳамда ғоялари билан фуқаролар мунтазам таништириб борилди. Виллоят кенгаши хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини оширишга ҳам жиддий эътибор билан қаратиб келмоқда. Бугун виллоятда партия аъзоларининг сони 39 934 нафардан ортқ бўлса, уларнинг 9716 нафарини ёшлар, 11800 нафарини эса хотин-қизлар ташкил этади. 470 та бошланғич партия ташкилотлари фаолият олиб бормоқда.

Ижтимоий адолат ғояларини қарор топтириш, сайлов жараёнида барча тарғибот-ташвиқот усулларида кенг фойдаланиш, камчиликларга муросасийлик, сиёсий воқеалар марказида бўлиш партиявий фаолият изчиллигини таъминлайди. Шу хусусда конференцияда маърузачилар томонидан бўлгуси сайловга ҳар томонлама пухта тайёргарлик қўриш, сиёсий жараёнга масъулият билан ёндашиш зарурлиги таъкидланди.

Конференцияда партия Сиёсий Кенгаши X Қурултойига виллоят партия ташкилотларидан 16 нафар делегат сайланди.

— Ҳозирги кунда партиянинг **НАВОЙИ ВИЛОЯТ** кенгашида 44683 нафар аъзо 719 та бошланғич партия ташкилотига бирлашган. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 1 нафар, халқ депутатлари Навоий виллоят Кенгашидаги 7 нафар, халқ депутатлари шаҳар ва туман кенгашларида 44 нафар депутатларимиз фаолият олиб бормоқда, — деди “Адолат” СДП Навоий виллоят кенгаши раиси Рустам Ҳайитов виллоят Кен-



гашининг IX конференциясини очар экан. — Партиянинг халқ депутатлари виллоят кенгашидаги депутатлик гуруҳи томонидан жорий йилнинг ўтган даврида халқ депутатлари виллоят Кенгашидаги доимий комиссияларида 27 та масала муҳокама этилиб, уларнинг барчаси сессия кун тартибига киритилди. Халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари томонидан халқ депутатлари шаҳар ва туман кенгашлари сессиялари кун тартибига 61 та масала киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди.

Тadbир давомида партиянинг X Қурултойига Навоий виллоятдан 22 нафар делегат сайланди.

Қарши шаҳридаги Қашқадарё технологик транспорт очик ҳиссасдорлик жамияти тadbиргоҳида бўлиб ўтган “Адолат” СДПнинг **ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ** ташкилотининг IX конференциясида партиянинг Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида қилинаётган ишлар хусусида сўз юритилди.

Жорий йилда партия ташкилотлари томонидан турли мавзуларда 800 дан ортқ тadbирлар уюштирилди. Ўтган 3 йил ичида партия аъзолари сони 20 минг нафарга ўсди. Жумладан, бошланғич партия ташкилотлари ҳам 20 тага ортқ, 356 тага етди. Партиявий-ташкилий ишларни намунали йўлга

қўйишда Миришкор, Касби, Шаҳрисабз туманлари ва Қарши, Шаҳрисабз шаҳар партия кенгашлари ҳозирги замон талаби асосида иш юритиб, “Адолат” СДПнинг халқ орасидаги нуфузини оширишга катта ҳисса қўшиб келаётгани айтиб ўтилди.

Яқинлашиб келаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига барча қуларни сазабар этиш, партия тизимларида ишчи ҳозирги кун талаби асосида ташкиллаштириш, партия кадрлари ва фаолларининг мақсадли ва собитлик билан фаолият кўрсатишларини талаб қилади. Шу мақсадда тadbирлар, давра суҳбатлари, партиявий ўқувлар ташкил этиб келинмоқда. Партия аъзоларининг сиёсий билимларини ошириш, уларга сайлов жараёнида самарали фаолият кўрсатишлари учун етарли шарт-шароитлар яратиш чора-тadbирлари кўрилган.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йилида Ёшлар иттифоқи ва соғлиқни сақлаш ташкилотлари билан ҳамкорлиқни кучайтириш, “Адолат қабулхона”лари ишини тубдан яхшилаш, аҳоли муаммоларини бартараф этишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Конференцияда партия Сиёсий Кенгашининг навбатдаги Қурултойига виллоят партия ташкилотларидан делегатлар сайланди.

«Адолат» СДП **БУХОРО ВИЛОЯТ** кенгашининг X конференциясида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари,

шаҳар ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партиянинг виллоят кенгаши аъзолари иштирок этди. Конференцияда виллоят кенгаши томонидан охириги 5 йил давомида олиб борилган ишлар таҳлилий баҳоланди.

Ўзбекистон Республикаси “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонунининг 12-моддасида сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимияти органлари сайловларида иштирок этиши кафолатланган. “Адолат” социал-демократик партияси ҳам ушбу сайловда ўз номзоди билан фаол иштирок этиши белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш масаласи партиянинг X Қурултойи муҳокамасига киритилган. Шу муносабат билан “Адолат” социал-демократик партияси X Қурултойига партия виллоят Кенгашидан виллоят манфаатларини ҳимоя қиладиган муносиб ўн нафар делегат таркиби аниқлаб олинди.

“Адолат” социал-демократик партияси **ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ** кенгашининг IX конференциясида сўзга чиққан партия виллоят Кенгаши раиси Ориф Шукуров, аввало, барчани Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллиги билан муборақбод этиб, ўтган давр мобайнида партия томонидан амалга оширилган ишлар хусусида йиғилганларга маълумот берди.

Ҳисобот даврида ишчи гуруҳлар томонидан виллоят бўйича 1092 та маҳалларда халқ билан юзма-юз мулоқотлар ташкил қилинган. Мулоқот давомида фуқаролардан келиб тушган 657 та мурожаатлар юзасидан 265 та депутатлик сўровлари юборилиб, улардан 170 дан ортқ ижобий ечимини топган. 150 дан ортқ мурожаатлар ҳуқуқий маслаҳатлар бериш орқали ҳал этилган.

Партиянинг “Бир ойда — бир иш ўрни” лойиҳаси доирасида вақтинча ишсиз, ёрдамга муҳтож оилалар аъзоларига доимий иш ўрни яратиб берилди. Лойиҳа доирасида 189 нафар фуқаро иш билан таъминланди. Ҳисобот даврида партия депутатлик гуруҳлари томонидан халқ депутатлари виллоят, шаҳар ва туман Кенгаши сессияларида 32 та масала киритишга эришилди. Шунингдек, сайловчилардан келиб тушган мурожаатлар асосида 120 га яқин депутатлик сўровлари юборилди.

Конференциянинг якуний қарори қабул қилиниб, жорий йилнинг сентябрь ойида бўлиб ўтадиган партиянинг X Қурултойига 19 нафар делегат сайланди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ Нурафшон шаҳар Адлия бошқармаси мажлислар залида “Адолат” СДП Тошкент виллоят кенгашининг навбатдаги конференциясида виллоят кенгаши ходимлари, туман, шаҳар кенгашлари раислари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида депутатлик зурруҳлари раҳбарлари, “Аёллар қаноти”, “Ёш адолатчилар” қаноти кенгашлари фаоллари, БПТ раислари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Конференция кун тартибида бўйича бир қатор масалалар кўриб чиқилди. Биринчи масала юзасидан виллоят кенгаши раиси Бобур Мамиров сўзга чиқиб, виллоят кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтадиган сайловдаги иштироки борасида партиянинг олдида турган устувор вазифалар тўғрисида тўхталиб ўтди. Келгусидаги режалар ижросини изчил ва тўлақонли бажариш, жойларда ўтказилаётган партиявий лойиҳалар доирасидаги тadbирларнинг таъсирчанлиги ва самардорлигини янада ошириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

“Адолат” социал-демократик партиясининг X Қурултойига виллоят кенгашидан 17 нафар делегат сайлаб олинди.

Шунингдек, бундай конференциялар “Адолат” СДПнинг бошқа ҳудудий кенгашларида ҳам бўлиб ўтди ва партиянинг навбатдаги Қурултойида делегатлар сайланди.

Ўз мухбиримиз

Умумхалқ сайловлари орқали давлат ҳокимияти органларини шакллантириш демократик ҳукуқий давлатнинг энг муҳим бел-гисидир. Сайлов – халқ ўз ҳокимияти ва хоҳиш-иродасини тўғри-дан-тўғри рўёбга чиқаришнинг олий ифодаси, давлат ҳокимияти органларини демократик тарзда ташкил этишнинг негизи ҳисоб-ланувчи улкан ижтимоий-сиёсий тадбирдир.

ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ ТИЗИМИНИНГ демократик тамойиллари

Ўзбекистонда олиб борилаётган янги демократик ва эркин мамлакатни яратишга қаратилган кенг қамровли ва изчил ислохотлар доирасида халқ ҳокимиятчилиги конституциявий та-моийлини ҳаётга татбиқ этиш, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини таъминлаш, сайлов тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Зеро, демократик ва адолатли сайловлар – демократиянинг ўта муҳим ва зарур шартларидан ҳисобланади.

Маълумки, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб фуқаронинг сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларини мавзуси нуфузли халқаро ташкилотлар жиддий шуғулланадиган масалага ай-ланди. Бугунга келиб дунёда сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларини таъ-минлаш, эркин, демократик, адолатли сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш соҳасига доир 20 дан зиёд халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, стандартлар мав-жуд.

Барча давлатларга нисбатан татбиқ этилиши мумкин бўлган халқаро сай-лов стандартлари универсал деб ата-лади. Одатда, бундай ҳужжатлар БМТ каби универсал халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилиниб, улар дав-латлар томонидан тан олинади.

Умумий сайлов принципи барча фуқароларимиз сайлов ҳуқуқидан фойдаланишда тенг имкониятларга эга эканлигини англатади.

Сайлов қонунчилигимизга кўра, сайловларда Ўзбекистон Республи-касининг 18 ёшга тўлган фуқаролари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сай-лов ҳуқуқи асосида яширин овоз бе-риш йўли билан иштирок этадилар.

Айнан 18 ёшга тўлган фуқаролар-

нинг овоз беришга ҳақли эканликла-рини, биринчидан, Ўзбекистон Рес-публикаси Фуқаролик кодекси та-лабларига мувофиқ, 18 ёшга тўлган фуқаро айнан тўла муомала лаёқа-тига эга бўлиши; иккинчидан, БМТ то-монидан 1989 йилда қабул қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвен-циянинг 1-моддасида ҳам айнан 18 ёш инсонни вояга етган деб ҳисоб-лаш ёши сифатида белгиланганлиги; учинчидан, 18 ёш тиббий, физиологик нуқтаи назардан ҳам тўла етук ҳисоб-ланиши билан изоҳланади.

Ижтимоий келиб чиқиши, ижти-моий ва мулкӣ аҳволига, ирқий ёки миллий мансублигига, жинси, маъ-лумоти, тили, динга муносабатига, машғулот тури ва хусусиятига қараб фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини бир-он-бир тарзда бевосита ёки билво-сита чеклаш тақиқланади.

Кишиларнинг ўз табиий эҳтиёжла-рини таъминлаш ва манфаатларини тўлақонли равишда қондириш мақса-дида ташкил этган бирлашмасига жа-мият дейилади. Жамият бўлиб яшаш одамларга кўплаб қулайликлар келти-ради. Зеро, жамиятда одамлар бирла-шиб ўз ҳаётий муаммоларини ҳал қи-лишади.

Жамият қанчалик жипс бўлса, шун-чалик муваффақиятли бўлади. Тарқоқ бўлса – муаммолар гирдобига дуч ке-лада ва муваффақиятсизликка уч-райди.

Жамиятни ҳақиқий жамият қи-лувчи омиллардан бири – ҳаётий қарорларни кўпчилик бўлиб, яъни овоз бериш орқали қабул қилишдир. Бу-нинг яхши тарафи шундаки, қарор-лар қабул қилишда яқка шахслар ёхуд жамиятнинг баъзи гуруҳлари эмас,



балки ҳамма бевосита ёки билвосита иштирок этади. Кўпчиликнинг хоҳиш иродаси амалга ошади.

Бу нарсани рўёбга чиқариш воси-таларидан бири – сайлов. Жумладан, Президентлик сайловидир. Бунда ки-шилар ичларидан энг салоҳиятлисини сайлаб олишади ва унга бошқарув ва-колатлари ва у билан боғлиқ қарор-лар қабул қилишни ишониб топши-ради.

Сайлов – овоз бериш орқали давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа тузилмаларни ташкил этиш воситаси. Фуқароларнинг ўз сайлов ҳуқуқини амалга ошириши – уларнинг давлатни бошқаришда иштирок этиши-нинг энг муҳим шакллари-дан бири. Сайлов ўтказиш тартиби ва қоидалари, одатда, ҳар бир давлатнинг Конституцияси ва бошқа конституциявий ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланади. Сайлов турли кўринишда бўлади. Унда аҳоли қатнашиши ёки улар-нинг вакилларига иштирок этиши мумкин. Сайлов очиқ ёки яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Қайси орган сай-ланаётганлигига қараб парла-ментга ёки президентликка сай-лов, парламентнинг умумий ёки бир қисми учун ўтказилишига қараб ялли ёки қисман сайлов бўлиши мумкин. Худудига қараб умумдавлат ёки маҳаллий; ўт-казилиш вақтига қараб навбат-да ёки мuddатдан олдинги; бир партияли, кўп партияли ёки партиясиз; муқобиллик асосида ва номуқобил (агар ягона ном-

зод кўрсатилса); тўғри ёки кўп босқичли; асосий ёки қўшимча сайлов ўтказилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Консти-туциясига биноан, мамлакат Прези-денти сайлови, Ўзбекистон Республи-каси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, ви-лоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сай-лов тегишинча уларнинг конституция-вий ваколат мuddати тугайдиган йилда — декабрь ойи 3-ўн кунлигининг 1-яқ-шанбасида сайловлар умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асо-сида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилар эди.

2021 йил 8 февраль куни қабул қи-линган “Сайлов қонунчилиги тако-миллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қў-шимчалар киритиш тўғрисида”ги қо-нунга биноан сайловлар октябрь ойида ўтказилиши белгиланди. Яъни Президентликка сайлов, Олий Маж-лиснинг Қонунчилик палатасига, Қо-рақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳар-лар давлат ҳокимияти вакиллик ор-ганларига сайлов тегишинча уларнинг конституциявий ваколат мuddати ту-гайдиган йилда – октябрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яқшанба-сида ўтказилиши белгиланди (илгари декабрь ойида эди). Марказий сай-лов комиссияси томонидан тайёр-ланган қонуннинг концепция вари-антида сайловларни март ойига кў-чириш ҳақидаги таклиф ҳам бўлган. Фуқаролар билан ўтказилган семинар тадбирларда ҳамда оммавий ахбо-

рот воситалари орқали келиб тушган таклифларда ҳам март, май, август ва сентябрь ойлари қайд этилган. Бироқ фуқаролардан сайловларни октябрь ойида ўтказиш бўйича 70 фоиздан ор-тиқ таклиф келганлиги боис шу ойга кўчирилган.

Бизга маълумки, демокра-тия бу тенг ҳуқуқли инсон-лар жамиятидир. Шундай экан, ҳар бир сайловчининг сайловда қатнашиши ҳам, уларга овоз бериш ёки бер-маслик ҳам тенг ҳуқуқли ва ихтиёрийдир. Жамият бош-қарувида қайси номзод сиё-сий жиҳатдан кучли ва да-дил бўлса, халқ шу номзодга овоз беради. Бу эса тўғри ва ҳаққоний сайлов, оқил сиёсат ва кенг қамровли ривожла-ниши таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасида Прези-денти сайлови, ҳокимиятнинг вакил-лик органлари сайлови умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асо-сида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Дарҳақиқат, сайлов – жамиятни ҳақиқий жамиятга айлантирувчи муҳим омил. Шу боис нолойиқ одамларни сайлаб қўйиб жамият эмас, тарқоқ омма бўлиб қолмаслик, келажақ ав-лодни қоронғиликда қолдирмаслик лозим.

Сиёсий партиялар жами-ятнинг энг фаол ва умумхалқ манфаатлари йўлида дунёқа-раши, мақсади, фикрлар муштараклиги бир бўлган мамлакат фуқароларининг муайян қисмини ўз сафида бирлаштирган ва сиёсий ҳо-кимият учун курашадиган сиёсий ташкилот бўлгани боис фуқаролик жамияти-нинг бошқа институтларидан ажралиб туради.

Бугунги кунда республикаимизда Халқ демократик партияси (1991 йил), “Адолат” социал-демократик партия-

Хулоса қилиб айтганда, сиёсий партиялар аҳолининг ҳуқуқий мада-нияти ва фаоллигини ошириш, уларнинг давлат сиёсатини ташкил этиш ва бошқаришдаги иштирокини таъминлаш орқали давлат ва жамият ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўтайди, аҳолининг жамоатчилик фикрини шакллантиришда, фуқароларнинг сиёсий ҳаётда фаол ишти-рокини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Одил МУСАЕВ,
ЎзМУ профессори, фалсафа фанлари доктори



Ёш спортчиларга ишонч ва эътибор

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йил-лиги муносабати билан “Адолат” СДП Жиззах шаҳар кенгаши, Жиззах шаҳар туризм ва спорт бўлими, Жиз-зах шаҳар болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамкор-ликда спортнинг бадий гимнастика тури бўйича Жиз-зах шаҳар чемпионатини ташкил этишди.

“Биз — буюк юрт фарзандларимиз” шиори остида ўтказилган мазкур мусобақада 5-12 ёшгача бўлган қиз-лар ўзаро беллашдиши.

Оғриқли мавзу

ЎҚИТУВЧИ ТАЪЛИМ БЕРИШГА МАСЪУЛИМИ ЁКИ...

Ижтимоий тармоқларда “Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги 6-мактаб директори Феруза Аҳмедова мактаб ўқитувчиларини мажбурий меҳнатга жалб қилмоқда. Ишламаса, дарс бермайман, деб, таъҳид ҳам қилмоқда. Феруза Аҳмедова мактаб қўшимча би-носини сотиб, 240 дан ошқ ўқувчини кўчада қолдир-гани етмагандек, энди ўқитувчиларни дуқ-пўпўса қилиб ишлатмоқда. Бизни мажбурий меҳнатга жалб қилмане десак, “мени Қашқадарё вилояти халқ таъ-лими бошқармаси мудири, Қарши туман халқ таъ-лими бўлими мудири ва яна Қарши туман ҳокими ҳимоя қилиб турибди, хоҳлаганимни қиламан”, де-моқда. Мутасаддилардан илтимос қиламиз: бунаа чора кўрилсин. Ахир, ўқитувчилар кул эмас-ку. Бизни бундай таниш-билиши кўп бўлган зўравон дирек-тор тазйиқидан қутқаринлар. Бутун Ўзбекистон халқиға юзланмоқдамиз...” мазмунда мурожаат тарқалган эди.

Мазкур ҳолат бўйича Қашқадарё вилояти халқ таъ-лими бошқармаси томонидан ишчи гуруҳ тузилиб,

Анжуман очилишида сўзга чиққан партиянинг Жиззах вилоят кенгаши раиси ўринбосари Пўлат Ҳам-заев барчани мустақиллигимизнинг 30 йиллиги бай-рами билан муборак этиб, спортчиларга омад тилади. Мусобақада ўсмир қизлар иқтидорларини намоён этишди. Тадбир сўнгда ғолиблар партиянинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Жиззах вилоят кенгаши матбуот хизмати

тегишли масъул мутасаддилар иштирокида ўрга-нилди. Ушбу мурожаатни тўпалигича ўрганиш мақ-садида 2021 йил 21 август куни халқ депутатлари Қарши тумани Кенгашининг навбатдаги сессиясида ту-мандаги 6-сонли мактабда кузатилган ҳолатлар бўйи-ча халқ депутатлари туман Кенгашининг Регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича доимий комис-сияси раиси П.Тулиевнинг ахбороти тингланди.

Шундан сўнг депутатлар томонидан Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармасининг хати ҳамда депутатларнинг таклифлари инобатга олиниб, ту-мандаги 6-умумий ўрта таълим мактаби директори Феруза Аҳмедованинг лавозимидан озод этилишига розилик берилди. Шунингдек, Феруза Аҳмедова кел-гусида халқнинг ҳақли равишда норозилигини кел-тирувчи ёки депутатлик мақомига пўтур етказувчи ҳолатларга йўл қўйган тақдирда депутатлик вакола-тини мuddатидан илгари тугатиш белгиланди.

Юлдуз МУҲАММАДИЕВА,
“Адолат” СДП Қарши туман кенгаши раиси

Қутлов

AGROBANK

AZIZ VATANDOSHLAR!

“AGROBANK”

JAMOASI SIZLARNI ENG ULUG‘,

ENG AZIZ BAYRAM – O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI

MUSTAQILLIGINING 30 YILLIK

SHODIYONASI BILAN SAMIMIY

MUBORAKBOD ETADI!

HAMISHA YURTIMIZ TINCH VA OSUDA,

DASTURXONLARIMIZ TO‘KIN,

OSMONIMIZ MUSAFFO BO‘LSIN!

AgrobankChannel

Agrobankuzbekistan

Download on the App Store

GET IT ON Google Play

www.agrobank.uz

тел.: (+998) 71 203-88-88

Хизматлар лицензияланган

Исмоил САИФНАЗАРОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети
профессори,
фалсафа фанлари доктори



Янги Ўзбекистонда

Учинчи РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ БАРПО ЭТИЛМОҚДА

Бугун мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллигини нишонламоқдамиз. Ўтган йиллар давомида босиб ўтилган йўл бизни муайян хулосалар чиқаришга ундайди. Ватанимиз мустақил тараққиёт йўлига чиққанидан кейин мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришди.

Бу даврда янги авлод камолга етди. Эътиборлиси, халқимизда юрт равнақи учун дахлдорлик туйғуси ўсди. Биз дунё мамлакатлари билан бир-биримизга эшикларимизни очдик. Шу билан бирга, жамиятда очиқ-ошкоралик кучайди. Хукумат жамият билан мулоқот қилишни, уни тинглашни ўрганди. Авваллари бундай эмас эди. Хукумат ўз билганича яшар, жамиятда юз бераётган воқеаларга эътиборсиз, жамият ҳам хукуматга ҳеч қандай таъсир ўтказма эди.

Ҳозир аҳвол бутунлай ўзгарди. Жамият энди ўз фикри, нуктаи назарини баён қилиш имконига эга бўлди, хукумат эса ижтимоий фикрга қўлоқ тута бошлади. Ташқи дунёга, айниқса, қўшни давлатларга нисбатан очкилик ва прагматик сиёсат юритилаётгани ҳам муҳим ютуқларимиздан бирига айланди.

Иқтисодий ислохотлар ҳақида гап кетганда, туризмнинг ривожланиши, солиқ тизимидаги янгиланишлар, валюта бозорининг эркинлаштирилиши, нақд пул билан боғлиқ муаммолар бартараф этилиши, банк-молия соҳасидаги ўзгаришлар, халқаро молия операцияларининг жаҳон андозалари асосида амалга оширилаётганини мамнуният билан тилга олиш мумкин. Энг муҳими, валюта бозори либераллашди. Чунки узоқ вақтдан бери валютанинг эркин конвертацияси бўлмаганди. Ҳозир корхоналар импорт операциялари билан амалга ошириш учун бемалол валюта харид қилиш имконига эга. Буни муҳим дейишимизнинг сабаби шуки, иқтисодиётнинг эски модели бутунлай конвертациянинг йўқлигига боғланган эди. Бу эски моделнинг ўзига бўлган. Мана шу асос олиб ташланганча, эски андоза ўз-ўзидан барҳам топиб, янги ислохотларга йўл очилди.

Иқтисодиёт соҳасидаги биринчи ўзгариш валютанинг либераллашуви бўлса, иккинчи энг муҳим янгилик пул муомаласидаги ислохотлардир. Натижада чет эл инвесторлари Ўзбекистонга қайта бошлади. Ушбу ислохотлар билан бир қаторда ташқи иқтисодий фаолият эркинлашиб, бизнес учун мазмурий тўсиқлар олиб ташланди. Эркин конвертация — аввало, халқаро савдо муносабатларининг тўлақонли аъзоси бўлиш учун керак. Фақат халқаро савдо муносабатларининг аъзоси бўлган миллатлар халқаро меҳнат тақсимида иштирок этиб, ундан келиб чиқадиغان фойда ва имтиёزلарга эга бўлиши мумкин.

Халқаро саҳнадаги фаоллик Ўзбекистонда шу кунгача ҳуқуқ ва қонун устуворлиги борасида эришилган ютуқларни асраб-авайлаш учун имкон беради. Боз устига, бу жиҳатлар давлат идораларида масъулиятни ошириш, очиқлик ва ошкораликни таъминлаш, мажбурий меҳнатга қарши кураш, афв этиш ва оқлов, адлия ислоҳоти, суд мустақиллиги, уруш майдонларидан ватандошларни олиб келиш, қийноқларга баҳрам бериш, жазони ўташ муассасаларини мониторинг қилиш, гендер тенглик ва бошқа жабҳаларда ҳам ижобий ўзгаришларни амалга оширишни давом эттириш гарови ҳамдир.

Ўзбекистон фуқаролик жамиятини тараққий эттириш, сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш, қамоқхона ва ҳибсхоналардаги вазиятни янада яхшилаш, суд мустақиллиги ҳамда ҳуқуқ-тартибот органлари устидан демократик назорат ўрнатиш томон жадал ҳаракат қилмоқда.

Қисқа вақт ичида мамлакатимизда мажбурий ва болалар меҳнати тўлиқ тугатилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия қабул қилинди. БМТнинг фуқаролиги бўлмаган инсонлар сонини камайтиришга қаратилган қақирғига жавобан бир йилнинг ўзига 50 минг юрtdошимизга Ўзбекистон фуқаролиги берилди. Мамлакатимизда диний эр-

кинлик борасида ҳам вазият кескин яхшиланди. Миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик мустаҳкамланмоқда.

Хорижий экспертларни ва ватандошларни жалб этиш, давлат идораларида уларнинг кўмагига таянган ҳолда, ўзгаришлар қилиш, иқтисод, молия ва сармоя ҳамда давлат бошқаруви ва умуман, тизимли ислохотларда йирик халқаро ташкилотлардан маслаҳатчиларни таклиф этиш бугунги Ўзбекистон учун нормал ҳолга айлангани ҳам аини ҳақиқат. Янги қонунлар устида ишладан тортиб, уларни амалга ошириш ва назорат қилишгача халқаро мутахассисларнинг тавсиялари инobatга олинмоқда.

Янги Ўзбекистон Учинчи Ренессанс сари далил одимламоқда. Таълим соҳасига эътибор ҳар доимгидан кучли. Ривожланган мамлакатларда таълим бу — бизнес. Зеро, жаҳон тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи, тараққиётни тезлаштирадиган омил бу малакали, замон талабларига жавоб бера оладиган, профессионал мутахассислар ҳисобланади.

Бутун дунёда тараққиётнинг тамал тоши, мамлакатни қудратли, миллатни буюк эта оладиган илм-фан, таълим ва тарбияга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Мамлакатимизда малакали кадрларни тайёрлаш, таълим тизимини замонавийлаштириш, уни коррупциядан ҳоли қилиш учун жаҳон тажрибасидан кенг фойдаланмоқда. Улардан бири кредит-модуль тизимидир. У ҳар бир ўқув модули таркибини тузишга асосланган модулнинг ўқув натижалари ва яқиний назоратни кузатиб бориш орқали таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва компетенцияларини мунтазам равишда баҳолаб борувчи ўқув дастурини ўзлаштириш жараёнини ташкил этиш тизими ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари 2019 йилнинг 8 октябрида “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонини имзолади. Ушбу муҳим дастуриламал ҳужжатда “рес-публикадаги камиди 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рејтунгининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатида киритиш ва олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқич-ма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш” белгилаб берилди. Шунингдек, 2030 йилга қадар республикадаги барча олий таълим муассасаларнинг 85 фоизи, жумладан, 2020-2021 ўқув йилининг ўзида 33 та олий таълим даргоҳини кредит-модуль тизимига ўтказиш кўрсатиб ўтилди. Кредит тўйлаш ўлчовининг киритилиши талабага катта эркинлик бериш билан бир қаторда, танлаган соҳасининг рақобатбардош мутахассиси бўлиб етишиши учун академик жараёни келажакда мустақил режалаштириш имконини ҳам тақдим

этади. Айни чоғда баҳолаш тизими ва таълим технологияларининг такомиллашишига ҳам олиб келади. Амалдаги ўқитиш тартибидан фарқли ўлароқ, кредит тизимида мажбурий фанлардан ташқари танлов фанлари ҳам талабанинг индивидуал дарс жадвалига киритилади. Мазкур тизимнинг олий таълимга жорий қилиниши ўқитиш сифатини ошириш, шаффофликни таъминлаш, коррупцияга барҳам бериш, таълим олувчининг ҳақиқий билимини юзага чиқариш ҳамда талабанинг мустақил ўқиб-ўрганиб, ўз устида ишлашига замин яратади. Бугунги кунда Европа кредит тизими кўнча қитъанинг деярли барча олий ўқув юртида амалиётга жорий этилган.

Кредит-модуль тизимининг жорий этилиши ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликда ишлашида муҳим омил ҳисобланади. Модулли таълимда педагог тингловчининг ўзлаштириш жараёнини ташкил этади, бошқаради, маслаҳат беради, текширади. Талаба эса йўналтирилган объект томон мустақил ҳаракат қилади. Энг катта урғу ҳам талабаларнинг мустақил таълим олишига қаратилади. Ўқув жараёнида мустақил таълим олишнинг аҳамияти ортади ва бу келажакда мутахассисларнинг мустақиллиги, ижодий ташаббускорлиги ҳамда фаоллигини оширади. Кредит-модуль тизимида университет талабалари ҳар доим ўқитувчи ва курсдошларидан ёрдам ҳамда маслаҳат олиш имкониятига эга бўлади. Бу эса Ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ва жамоада ишлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Кредит-модуль ўқитиш тизимига ўтиш олий ўқув юрти профессор-ўқитувчиларига бўлган мажбурият ҳамда талабни ҳам оширади. Ушбу тизим билан ўқитувчи нафақат ахборот берувчи ва назорат қилувчи функцияларини, балки маслаҳатчи ҳамда мувофиқлаштирувчилик вазифаларини ҳам бажаради. Педагогик жараёнда ўқитувчининг етакчилик роли сақлаб қолинади.

Яна бир гап. Таълимнинг кредит тизими талабалар алмашинувини оширади. Чунки битта университетда олинган кредитлар иккинчисида ҳисобга олинади ва талабалар кредит йўқотмасдан бир университетдан бошқасига ўтиши мумкин. Айнан ушбу тизим ўзбекистонлик талабаларнинг илғор хорижий университетларда ўқишини давом эттиришига ҳамда мураккаб бюрократик тўсиқларни олиб ташлашга имконият яратади.

Аммо шунга ҳам қайд этиш лозимки, ҳар қандай халқаро тажрибани кўр-кўрона, ўз кадрларимизни ҳисобга олмасдан туриб, тўғридан-тўғри татбиқ этиш, унинг ҳар бир элементини чуқур таҳлил қилмасдан, илмий асосларга та-

янган ҳолда амалга оширилмас экан, келажакда маълум бир салбий ҳолатларнинг юзага келишини ҳам унутмаслик керак. Яъни ушбу тизим бизнинг дунёқарашимиз, шарт-шароит, баркамол инсонни воғга етказишга қаратилган кадрларимизга тўла-тўқис мос келади, дегани ҳам эмас. Шу сабабли, ижтимоий фанларни ўқитишни ҳам чуқурлаштиришимиз керак. Бусиз ватанпарвар, мукаммал, салоҳиятли, юрт тақдирига бефарқ бўлмаган кадрларни тарбиялаш қийин. Яъни таълим ва тарбияни уйғун равишда олиб борсак, мақсадга эришамиз.

Жаҳон тарихига назар солсак, ҳар бир халқ, аввало, маънавий бирлашуви, миллий ғояси билан юксалган. Бугун янги ҳаёт қуриш, ривожланган давлатлар қаторига чиқиш йўлидан бораётган мамлакатимизда ҳам миллий ғоя масаласи жуда муҳим аҳамиятга эга.

Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустақам устунга таянамиз. Биринчиси — бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси — аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият. Шундай экан, бу биздан янгиликка интилиш, олий таълим тизимини тубдан қайта ислоҳ қилиш бўйича бошланган ҳаракатларни давом эттириш билан бирга маънавиятни ҳам унутмасликни талаб этади.

Жаҳоннинг етакчи давлатларида таълимни ривожлантириш биринчи галдаги вазифа сифатида белгиланган. Зеро, мамлакатнинг эртанги куни, равнақи айнан шу соҳада қўлга киритилган ютуқларга бевосита ва билвосита боғлиқ. Мамлакатимиз ҳам бу жараёнинг фаол иштирокчиси экани қувонарли ҳол, албатта. Кейинги йилларда соҳа тараққиётига йўналтирилган ўнлаб муҳим фармон, қарор ва дастурлар қабул қилинди.

2020 йил 23 сентябрь куни қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун ҳусусида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Қонун жаҳон стандартлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, таълим соҳасидаги муносабатларни тартибга солишининг қамрови кенглиги ва ўзига хос хусусияти билан шу номадаги аввалги қонундан тубдан фарқ қилади. Мазкур қонун соҳа тараққиётида, ҳеч шубҳасиз, янги ўққларни очиб беради. Унга мувофиқ, ўқитишнинг масофавий, инклюзив шакллари жорий қилинди. Таълим ташкилотларига хорижий муассасалар билан ҳамкорликда қўшма факультет ва ўқув марказлари ташкил қилишга рухсат этилди. Шунингдек, ўқитувчиларга муайялифлик дастури ва ўқитиш услубларини жорий этиш, замонавий педагогик шакллар, ўқитиш ва тарбия усуллари эркин танлаш ҳуқуқи берилди.

Эътиборли жиҳати, таълим тизимидаги кенг қамровли ислохотлар бево-сита давлат раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилмоқда.

Зеро, демократик ўзгаришлар, жумладан, олий таълим ислохотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдевори бунёд этилади. Бундан беш йил олдин қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясининг туб мазмун-моҳиятини мухтасар ифода этадиган бўлсак, ушбу ноёб ҳужжатда Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек буюк вазифалар стратегик мақсад қилиб қўйилган эди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда юқори билим ва малакага эга бўлган, рақобатдош кадрлар тайёрлаш мақсадида олийгоҳлар сони 141 тага етказилди, 26 та хорижий олий таълим муассасасининг филиаллари очилди. Ҳолбуки, 2016 йилда республикаимиздаги олийгоҳларнинг сони 77 та эди. Қисқа муддатда бу борада қарийб икки баробар ўсишга эришганимиз, ҳеч шубҳасиз, ёшларимиз, бутун жамиятимизнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, замонавий билим, касб-хунарларга янада яқинлаштириш йўлидаги ҳаракатларимиз натижасидир.

Дунёда юз бераётган воқеалар ривожини наватдаги уйғониш даври Шарқдан бошлангичдан далолат бераётти. Қадимдан илм-фан, маданият беише бўлган Марказий Осиёнинг юраги бўлмиш Ўзбекистон Учинчи Ренессанс пойдевори марказига айланганига ҳеч бир шубҳа йўқ. Бунинг учун эришилган ютуқларимизга маҳлиё бўлмай, янедидан-янеи улуғвор марраларни эгаллашни жадал давом эттиришимиз зарур ва шарт.

Мулоҳаза

Истиқлол бахш этган имкониятлар туфайли ўзбек аёлининг кадр-қиммати юксалганини, оналик мартабаси ошганини, ўзининг ва фарзандларининг манфаатлари ва саломатлигини муҳофаза қилиш масаласи давлат сиёсати даражасига қўтарилганини миннатдорлик, мамнуният билан эътироф этишимиз жоиз.



МУНОСИБ БЎЛАЙЛИК!

Не бахтки, истиқлолнинг ушбу буюк неъматидан баҳраманд бўлиш сизу бизга насиб этди. Бу саодатнинг нашидасини сурмоқ пешонамизга битилганига шукрона қилайлик.

Бугун сиёсат майдонида хотин-қизларнинг нуфузи, ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётгани, мамлакатимиз Конституцияси ва бошқа қонуналикларимизда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги белгилаб қўйилгани, хотин-қизларнинг қонун ижодкорлигини иштироки дунёдаги бошқа мамлакатлар парламентларидан фарқли равишда 40 фоиз квота билан мустаҳкамлангани биз — аёллар учун очилган катта йўл, кенг имконият ҳисобланади.

Бугун муҳтарама опа-сингилларимизни, мунис ва меҳрибон онахонларимизни янада қизгин фаолиятга чорлаймиз. Ҳар бир кун, ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиш, халқнинг дарду ташвишига малҳам бўладиган ҳеч бўлмаса битта яхшилик қилиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Афсуски, бугун кундалик ҳаётимизда аёллар иштироки билан боғлиқ ноҳуш ҳолатлар энг хуштар таом еётганда садафдек гуручнинг ичида бирдан тишга тегиб таъбингизни хира, дилингизни гаш қилувчи тошга ўхшайди. Оллоҳ фаришта монанд қилиб яратган аёл жиноятчи бўлса, бутун Шарқ дунёси миллатнинг онаси, Ватанининг бошлан-иши деб ардоқлаган аёлнинг ўзи одам наслининг давом-чиси бўлсаю, қўлида заҳри қотил ушлаб, қайси бир она-нинг зурриётини гиёҳвандлик балосига бошласа, поклик, гўзаллик ва садоқат маликаси бўлмиш Аёл ўз хонадонидан Оллоҳ куфр қилган ахлоқсизлик ва зинога йўл очиб, шунинг орқасидан рўзгор тебрата ёхуд илсомий ақидаларда номаҳрамга бармоғини ушлаштини ҳам орият билган моларнинг бугунги авлоди эришмаган пулни деб, гулдан тоза вужудини буюмдек сотса, энг оргиқлиси, қай бир маълун аёлни, кимнингдир умид юлдузини сотишгача бориб етган бўлса, бу оргиқлар сизу бизнинг юрагимизда акс садо бермаса, тилимиздан “Эй, аёл, тўхта!” деган ҳайқирик отилиб чиқмаса, биз қанчалик фаолу қанчалик фидойи бўлдик?! Шунинг учун ҳам бугун бонг уриб, баъзи гафлат босган мудроқ қалбларни, моғор босган юракларни, атрофни тиник кўра олмайётган кўзларни бедорликка чорлашни лозим топдик.

Келинг, азизлар! Бугун турли ҳукму хулосалар билан уларга қандай яшашни ўргатайлик, улар билан бирга яшашни ўргатайлик. Хиёнат, бадномлик, нафсу ҳаво ва чорасизлик қопқонидан маърифат ва зиё нури билан қутулишга биргаликда ҳаракат қилайлик. Лоқайд, бепарволикни юрагимиздан қувиб солайлик!

Аёлни ўзига, ўзлигига қайтариш учун ҳар қачонгидан кўпроқ ҳаракат қилиш пайти этиб келганини, аввало, ўзимиз англайлик, англамаганларга англайайлик!

Аёл шаъни — аёлнинг аёллиги учун курашда бирлашайлик!

Азизлар! Ўзликка қайтишининг яна бир номи маънавият. Миллий қадриятлар, урф-одатлар маънавиятнинг дуру гавҳарларидир. Бугун унга зид бўлган баъзи ҳолат ва кўринишларга қарши муросасизлик муҳитини яратишда фаол ва ташаббускор бўлайлик!

Замира АБДУЛЛАЕВА

Хикмат

Покиза аёл иймондан
кейинги улуғ неъмат.

Ҳазрати Умар
розияллоҳи анҳу



АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ БАРҲАЁТ

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Бўзсув соҳилида қад ростлаб турган “Шахидлар хотираси” ёдгорлик мажмуаси қаршисида истиқлол аталмиш буюк неъмат туфайли Ватан озодлиги йўлида жон фидо қилган аждодларимизнинг порлоқ хотирасига эҳтиром кўрсатиш имконига эга бўлганимизни юрак-юракдан ҳис этамиз. Бу эса бизни бугунги ёруғ кунларимизни янада теранроқ англаш ва тинч-осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш, келажак сари далил одимлашга ундайди.

Шу боис маҳобатли мажмуадан зиёратчиларнинг қадами узилмайди, шу боис одамлар унга талпини. Улар сафиди нуруний отахону онахонларни, талаба-ёшлар, мактаб ўқувчилари, жажжи болакайларни ҳам учратамиз. Набирасининг қўлидан етаклаб олган оппоқ соқолли бобо авлодининг давомчиси ҳисобланган кичкинтойга соддагина қилиб табарруқ масканга нега бира келганини, “Ватан” сўзининг маъно-мазмунини, халқимизнинг мустақилликка эришишини осон кечмаганини, юртимизнинг не-не асл ўғлонлари ўз жонини фидо қилганини тушутиради. Шу ўринда оппоқ соқолли бобони донишманд тарихга, кўзларидан нур чақнаб турган набирани келажакка қўйса, ҳаммаси ойдинлашади: аждодлардан авлодлар сабоқ олади, шу тарада тарихий адолат қарор топади, ҳаётнинг бардавомлиги таъминланади.

“Шахидлар хотираси” ёдгорлик мажмуаси, бир маромда оқатган Бўзсув, текис саф торган дарахтлар, анвойи гуллар... Мармар зиналардан пастроқдаги майдончада — мовий гумбазли айвон устунлари орасида қатагон қурбонларининг рамзий қабри... Инсон қалбини маҳзун ҳислар чулғаб олади.

“Шахидлар хотирасига бағишланган ёдгорлик юртимизнинг ҳар бир вақили учун энг муқаддас зиёратгоҳ бўлиб қолади. Бу ерга келиб, шахидлар ҳақида тиловат қилган ҳар бир инсон яна бир қарра уларнинг ишини давом эттириш, мустақил юртимизни обод қилиш, ҳаётимизни фаровон этиш учун ўша қаҳрамонлардек фидокорлик билан иш юритишга жазм қилади”. Бу сўзлар таниқли адабиётшунос олим, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддиновга қаламига мансуб бўлиб, гўё айна дамда қўлоқларин-

гиз остида жаранглаб тургандек бўлади.

“Шахидлар хотираси” зиёратгоҳи — Ватан озодлиги, юрт муқтадрилиги йўлида жондан кечган ота-боболаримизнинг безовта руҳи кўним топан маскан. Маълумки, XX аср бошларида ўрна-тилган мустабид совет тузumi Ўзбекистон тарихида мустама-качилик даври сифатида огир жароҳатлар қолдириб, қўллаб қурбонлар ва йўқотишларга сабаб бўлди, халқимиз бошига чексиз мусибатлар келтирди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин энг хайрли ва энг савобли ишлардан бири — совет ҳокимияти йилларида “халқ душмани”, “акселинқилибчи”, “босмачи”, “миллатчи”, “қўлоқ” сифатида қораланиб, қатагон этилган ватандошларимиз пок номларининг оқланиши бўлди. Тарихий ҳақиқат ва адолатни тиклаш бўйича олиб бориш ишлар, энг аввало, ҳуррият йўлида жон фидо этган ватандошларимиз хотирасини абадийлаштиришга қаратилди.

1999 йилда совет давлатининг қатагон сиёсати оқибатида турли жазо ва тазйикларга маҳкум этилган ватандошларимиз хотирасини абадийлаштириш юзасидан амалий ишлар олиб бориш учун Жамоатчилик комиссияси тузилди, Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори асосида “Шахидлар хотираси” хайрия жамғармаси ташкил этилди.

Тошкент шахрининг Юнусобод туманида “Шахидлар хотираси” ёдгорлик мажмуаси барпо этилди ва 2000 йил 12 май куни тантанали равишда очилди. Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган аждодларимизнинг порлоқ хотираси ана шу ёдгорликда ўз абадиётини топди.

2001 йилда эса 31 август мамлакатимизда “Қатагон қурбонларини ёд этиш куни”, деб эълон

қилинди. 2002 йил 31 августда “Шахидлар хотираси” ёдгорлик мажмуасининг маънавий-маърифий маркази ҳисобланган Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи очилди.

— Музей залларига жойлаштирилган экспозициялар даврий чегараси XIX аср охиридан то

“**ШАХИДЛАР ХОТИРАСИГА БАҒИШ-ЛАНГАН ЁДГОРЛИК ЮРТИМИЗНИНГ ҲАР БИР ВАКИЛИ УЧУН ЭНГ МУҚАДДАС ЗИЁРАТГОҲ БЎЛИБ ҚОЛАДИ. БУ ЕРГА КЕЛИБ, ШАХИДЛАР ҲАҚИГА ТИЛОВАТ ҚИЛГАН ҲАР БИР ИНСОН ЯНА БИР ҚАРРА УЛАРИНГ ИШИНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ, МУСТАҚИЛ ЮРТИМИЗНИ ОБОД ҚИЛИШ, ҲАЁТИМИЗНИ ФАРОВОН ЭТИШ УЧУН ЎША ҚАҲРАМОНЛАРДЕК ФИДОКОРЛИК БИЛАН ИШ ЮРИТИШГА ЖАЗМ ҚИЛАДИ**”.

Ўзбекистон мустақилликка эришган кунгача бўлган даврни қамраб олган. Истиқлол йилларида қўлга киритилган ютуқлар ҳақида эса алоҳида зал экспозицияси ҳикоя қилади, — дейди Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Мурод Зирқиллаев. — Таъкидлаш жоизки, ўзининг фаолияти давомида музей қатагон қурбонларининг хотирасини абадийлаштириш, илмий-иждоий меросини чуқур ўрганиш, ёшларда истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик туйғуларини кучайтириш борасида салмоқли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Биргина 2018-2020 йилларни оладиган бўлсак, музейга жами 101.424 нафар зиёратчи ташриф

✓ **31 август —
Қатагон
қурбонларини
ёд этиш куни**

буюрган. Музей илмий ҳодимлари томонидан 14 та монография, 5 та тўплам, 151 та илмий мақола нашр этилди. 8 та илмий-амалий анжуман (1 таси халқаро), 5 та кўргазма (2 таси халқаро), 70 дан зиёд илмий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

2017 йил 22 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи ва ҳудудлардаги олий таълим муассасалари тузилмасида Қатагон қурбонлари хотираси музейларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори чиқди. Ҳо-

Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи ҳамда ҳудудий музейларнинг асосий вазифаси ташриф буюрувчиларни қатагон сиёсати тарихи билан таништириш, қатагон қурбонларини ёд этиш, ёшларни аждодларимизнинг энг яхши анъаналари асосида тарбиялашдан иборат. Шу ўринда Бухоро давлат университети тузилмасидаги Қатагон қурбонлари хотираси музейи билан ҳамкорликда Бухорода Мусо Саиджонов таваллудининг 125 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман, Қарши давлат университетида Қарши давлат университети тузилмасидаги Қатагон қурбонлари хотираси музейи ҳамда “Олтин мерос” халқаро хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда совет даври қатағони жабрдийдаларидан бири — маърифатпарвар, моҳир санъаткор, ўзбек миллий музыка асбобларини ясаш бўйича ўзига хос мактаб яратган ватандошимиз Абдулла Танбурий таваллудининг 123 йиллигига бағишланган республика илмий-амалий анжумани ўтказилгани ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Яна бир муҳим маълумот. Ҳудудларда тузилган илмий-ишчи гуруҳлар томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри қесимиде “Қатагон қурбонлари” Хотира китоблари тайёрланди. Уларда Россия империяси (1860-1917 й.й.) мустамакачилиги ҳамда мустабид совет тузumi даврида жабру зулм кўрган, ноҳақ айблар билан қатагон қилинган ватандошларимиз ҳақидаги мухтасар маълумотлар берилган.

Хулоса ўринида шуни айтиш лозимки, тарихий хотираси бўлмаган, тарихни унутган, ўз аждодларининг қадрига етмайдиган миллатнинг истиқболи йўқ. Ўзининг буюк келажак сари интилаётган она Ватанимиз — Ўзбекистонда эса тарихий анъаналар рўёбга чиқиб, миллий қадриятлар қадр топди, халқимизнинг орзу-армонлари ушалди.

Энг асосийси, юртимизда тинчлик ва осойишталик таъминланиши баробарида, инсон хотираси ва қадрининг шундай юксак даражада улуғланаётгани фарзандларимиз учун тенгсиз сабоқ ва муносиб ибратдир. Буларнинг барчаси Ўзбекистон истиқлол йилларида том маънода инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-киммати улуғланадиган давлатга айланганидан далолатдир.

Суюндик МАМИРОВ,
“Adolat” мухбири

Ўтган асрнинг ўттизинчи йиллари, яъни бундан юз йил муқаддам қўллаб ота-боболаримиз, ҳатто момоларимиз юрт эркини қалбига жо айлагани учун турли бахоналар билан қораланиб, авахталарга тикилган. Жуда кўпчилиги отувга ҳукм қилинган. Ачинарлиси, ўз Ватанида яшаган, меҳнат қилган ўша инсонларга “босмачи” тамғаси босилган. Ваҳоланки, улар ҳеч қардан келиб бу юртни босмаган эди.

ТАРИХИЙ АДОЛАТ РЎЁБИ

Ўзбекистон Республикаси Олий судида ўтган асрнинг 30-йилларида турли айбловлар билан қамалган, отувга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан чиқарилган суд қарорлари апелляция судида кўриб чиқилар экан, юқоридаги каби ҳақли, оғриқли фикрлар жаранглади.

Сир эмас, жуда кўп фильмларда босмачиларни ваҳший одамлар сифатида кўрсатиб, уларга нисбатан бир неча авлодда нафрат уйғотилган. Ваҳоланки, улар мана шу тупроқ учун қайғурган, уни босқинчилардан озод қилишга киришган чинакам ватанпарвар боболаримиз эди.

Энг улуғ, энг азиз байрам — мустақиллик арафасида ана шундай боболаримиз шаъни, номини оқлашга қаратилган эзгу ишлар эса Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 8 октябрдаги “Қатагон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойиши асосида амалга оширилмоқда.

Фармойиш асосида Қатагон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш Республика ишчи гуруҳи тузилди. Қатагон қурбонларининг номларини тиклаш ва хотирасини абадийлаштириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди.

“Йўл харитаси”нинг 5-бандида қатагон қурбонларининг номларини аниқлаш борасида изланишлар қўламини кенгайтириш учун масъулларга вазирлик ва идораларнинг идоравий архивларидан фойдаланиш имкониятини яратиш масаласи белгиланган.

10-бандида эса илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш жараёнида аниқланган, айрим сабабларга кўра реабилитация қилинмай қолган қатагон қурбонлари номларини оқлаш юзасидан белгиланган тартибда тақлифлар киритиш белгиланди.

Қатагон қурбонларининг реабилитацияси бўйича масала ўрганиб чиқилди ҳамда Республика ишчи гуруҳига тақлифлар кўриб чиқиш учун юборилди.

Олий суд раисининг 2021 йил 9 февралдаги фармойишига биноан муайян сабабларга кўра реабилитация қилинмай қolib кетган қатагон қурбонларининг номларини оқлаш ва уларнинг хотирасини абадийлаштириш масалалари бўйича ишларни амалга ошириш мақсадида ишчи гуруҳи тузилган.

Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи директори, Республика ишчи гуруҳи аъзоси Бахтиёр Ҳасанов томонидан 2021 йил 7 январь куни мустабид тузум даврида қатагон қурбони бўлган ва ҳозирги кунга қадар оқланмаган шахсларнинг рўйхати тақдим қилинди.

Макур шахсларнинг етти нафарига нисбатан жиноят ишлари Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳавфсизлик хизматининг архивида сақланаётганлиги аниқланиб, жиноят ишлари қақиртилган.

Олий судга 2021 йил 24 февралда 115 нафар шахсга нисбатан 6 та жиноят иши келиб тушган бўлиб, улар ишчи гуруҳи томонидан ўрганиб чиқилган.



Макур жиноят ишларида суд мажлиси баённомаси ёки суд ҳужжатлари (ҳукм ёки бошқача қарор) мавжуд эмаслиги, ишларда фақатгина Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси (БДСБ)нинг учлик мажлиси баённомасидан кўчирма борлиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари томонидан юқорида кўрсатилган жиноят ишлари юзасидан тегишли тартибда Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига протестлар келтирилган.

2021 йил 25 август куни ушбу жиноят ишлари Олий суд раиси ўринбосари Икром Муслимов раислигида ўтказилган очик суд мажлисида кўриб чиқилиб, келтирилган протестлар қаноатлантирилди. ЖПКнинг 83-моддасига асосан жами 6 жиноят иши бўйича 115 нафар шахс оқланди.

Орадан қарийб юз йил ўтиб адолат қарор топди! Мустақиллик йўлида фидокорона кураш олиб борган, ҳатто ўз жонини фидо қилган қатагон қурбонларининг пок номлари халқимиз қалбиде мангу яшайди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

Ибрат

Дунё ишларида сабрли бўл!

Бир киши донишманд ҳузурига келиб сўради:
— Айтинг-чи, мени қийнаётган ғам-ташвишлардан қутулишнинг бирор чораси борми?
— Аввал сен менинг икки саволимга жавоб бер, — деди донишманд унга. — Сен дунёга келган вақтингда сени қийнаётган шу муаммолар бормиди?

— Йўқ.
— *Дунёдан кетар вақтингда шу ғам-ташвишларни ўзинг билан бирга олиб кетасанми?*
— Йўқ.
— *Сен билан келмаган, сен билан кетмайдиган нарсалар учун нечун ғам чекасан? Дунё ишларида сабрли бўл! Шунда муродинг ҳосил бўлади.*



Муассис:
«Адолат» СДП
Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислам ҲАМРОЕВ

Тахрир хайъати:

Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА

Қодир ЖЎРАЕВ
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Умиджон СУЛАЙМОНОВ

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими —

71 288-46-54 (149);

71 288-42-14 (144);

Котибият —

Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими —

71 288-42-12 (132);

Қабулхона —

71 288-42-12 (141) факс;

Реклама бўлими —

71 288-42-14 (132); 97 900-72-15

Навбатчи муҳаррир — Камол МАТЎқубов

Навбатчи — Абдугани Солиқов

1995 йил 22 февралдан
чиқа бошлаган

info@adolatgz.uz

adolatgz-95@mail.ru

ISSN 2091-5217

9 772091 521004

1 2 3 4 5 6

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 800.

НАШР
КЎРСАТКИЧИ: 100

Адади — 20 387

Босишга тошпирилди вақти —

Босишга тошпирилди — 19.00

Баҳоси келишилган нархда

Тахририятга келган қўлзмавлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.

Қорхона манили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.